

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2026-yil 25-iyun, payshanba

27 (9399)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

Дўстлик туманидаги тажриба-синов лойиҳаси таҳлил қилинди

Сув ҳўжалиги вазирлигида Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги тажриба-синов лойиҳасининг боришига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.



Унда Сув ҳўжалиги вазирининг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича ўринбосари Миролимжон Каримов, “Дўстлик тумани сув етказиб бериш кооперативи” раҳбарияти ҳамда Хитойнинг “Beijing Hnupan” компанияси вакиллари иштирок этди.

Учрашув давомида лойиҳани амалга ошириш бўйича бугунги кунга қадар бажарилган ишлар, сув етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 октябрдаги қарори ижроси доирасида амалга

оширилмоқда. Унга мувофиқ, Дўстлик туманида сув етказиб бериш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси йўлга қўйилган.

Мулоқот чоғида кооператив фаолиятини янада ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш, сув етказиб бериш хизматлари сифатини ошириш ҳамда лойиҳанинг кейинги босқичларини самарали амалга ошириш бўйича фикр алмашилди.

Учрашув якунида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан тегишли келишувларга эришилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати



ЁМғир ва сел сувлари — лалмикор ерлар ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омили

Иқлим ўзгариши глобал муаммога айланган бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Табиий сув захираларининг чекланганлиги, аҳоли сони ва истеъмол ҳажмининг муттасил ортиб бориши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги юқори ўсиш суръатлари сувга бўлган талабни йил сайин оширмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

Ёшлар учун тажриба ва имкониятлар майдони

ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан амалга оширилаётган “Ёш фермерлар мактаби” лойиҳаси доирасида бир гуруҳ кўнгилли ёшлар Оролбўйи халқаро инновация марказига таширф буюришди.



Таширфининг асосий мақсади ёшларнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни замонавий агротехнологиялар, инновацион ёндашувлар ҳамда илғор тажрибалар билан яқиндан таништиришдан иборат бўлди.

Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилаётган ўқув-семинарлар ёшларни фермерликка қизиқтириш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган амалий билимларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Интенсив дастур давомида иштирокчиларга бозор талабига мос маҳсулотлар етиштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехник тадбирларни тўғри ташкил этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, маркетинг ҳамда сотув стратегиялари

бўйича тушунчалар берилди. Тадбирда Оролбўйи халқаро инновация маркази мутахассислари томонидан бу ерда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, фермерлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга тупроқ таркиби ва сифатига қараб экин турларини танлаш, сув тежовчи сўғориш технологияларини қўллаш, ўсимликларни парваришлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, ҳосилдорликни оширишнинг замонавий усуллари, томорқачилик, боғдорчилик ҳамда балиқчилик соҳалари бўйича амалий тавсиялар берилди.

Семинарнинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, назарий билимлар амалий мисоллар билан мустаҳкамланди.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бекобод шахридаги “Ўзметкомбинат” АЖ ишчи-ҳодимлари саноат соҳасини ривожлантириш йўлида ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Жумладан, корхонанинг янги мажмуасида замонавий технология асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги кун сайин ошиб бормоқда.

Суратда: ишлаб чиқариш мастер устаси Исроил Ёрбеков чилангир таъмирловчилар билан кун режаси ҳақида суҳбатлашмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

“Яшил техникум”лар —

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК Йўлидаги муҳим қадам

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, таълим муассасалари фаолиятининг барча босқичларини халқаро стандартлар ҳамда экологик меъёрлар асосида қайта йўлга қўйиш, шунингдек, “Эко- маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассисларни дуал таълим шаклида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш мақсадидаги долзарб вазифалар ижросига жиддий киришилди.

Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 мартдаги “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга онд комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорга асосан, республикаимизнинг ҳар бир вилоятида биттадан “Яшил техникум”лар ташкил этилди. Жумладан, вилоятимиз ва айнан бизнинг Норин туманида ҳам ана шундай техникум фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ташаббус техникумимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

“Яшил техникум” бу нафақат таълим сифатини ошириш, балки ўқувчи-ёшлар онгида экологик маданиятни шакллантириш, табиатга масъулиятли муносабатни кучайтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда техникумимиз ҳудудида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



САНОАТ ЗОНАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни тубдан ривожлантириш, соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Жумладан, вилоятда ташкил этилган саноат зоналарининг умумий ер майдони 218,1 гектар, шундан 56,65 гектар инфратузилма объектлари жойлаштириш учун ҳамда 161,46 гектар тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган. Кичик саноат зоналаридаги 59,6 гектар ер майдонида умумий қиймати 696,6 млрд. сўмлик 271 та лойиҳа жойлаштирилиб, шунинг натижасида 1 834 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда умумий қиймати 439,3 млрд. сўмлик 115 та лойиҳа ишга туширилиб, 1112 та янги иш ўрни яратилган. Шу жумладан, 2025 йилнинг 12 ойи давомида умумий қиймати 131 млрд. сўмлик 34 та лойиҳа ишга туширилиб, 207 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Шунинг билан бир пайтда, жорий йилнинг 4 ойи давомида умумий қиймати 18,6 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилиб, 56 та янги иш ўрни яратилди.

Ўтган йил давомида кичик ва ёшлар саноат зоналари тадбиркорлари томонидан 186 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 7 918 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган. Шунингдек, жорий йилнинг 4 ойида саноат зоналари иштирокчилари томонидан 60,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1 549 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинишига эришилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЁМҒИР ВА СЕЛ СУВЛАРИ — ЛАЛМИКОР ЕРЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Айни пайтда дунё аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон аҳолиси сонининг кўпайиши озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ҳам орттирмоқда. Бироқ озик-овқат ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи ҳисобланган сув ресурслари миқдори камайиб бораётган шароитда улардан самарали ва тежамкор фойдаланиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда мавжуд сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сарфланади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда давлатимиз томонидан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 202-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни 2030 йилга қадар 2 миллион гектарга етказиш вазифаси белгиланган. Шунингдек, кейинги йилларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорларда ҳам сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, замонавий сўғориш технологияларини кенгайтириш ва

янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги фармони ҳамда шу йил 25 майдаги қароридан лалми ва йилво ерларидан самарали фойдаланиш, сел-тошқин сувларини жамғариш ва улардан кишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Бутунги кунда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Айниқса, лалмикор майдонларда ёмғир ва сел сувларини жамғариш ҳамда улардан қўшимча сўғориш манбаи сифатида фойдаланиш юқори самара бермоқда.

Деҳқончиликнинг асосий вазифаси аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Бунинг учун ўсимликларнинг ҳаёти учун зарур бўлган ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув ва озуқа омиллари етарли даражада бўлиши лозим. Ушбу омиллардан бирортаси етишмаслиги ўсимлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Айни мақсадда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида Инновацион ривожланиш агентлиги гранти доирасида “Лалмикор майдонларда дон ва дуккакли экинларни етиштиришда ёмғир ва кичик сел сувларидан самарали фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотлар натижалари ушбу йўналишнинг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2025 йилда ёғингарчилик миқдори 320,5 мм бўлган шароитда “Қизил дон” навли юмшоқ бугдойда май ойида сунъий ҳавзаларга жамғарилган ёмғир ва сел сувлари асосида ёмғирлатиб сўғориш қўлланилганда гектаридан 15,2 центнер ҳосил олинди. Бу кўрсаткич анъанавий усулда етиштирилган ҳосилга нисбатан 3-4 баробар юқори бўлиб, ҳосилдорликнинг 272-353 фоизга ошишини таъминлади. Ҳисоб-китобларга кўра, тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги лалми ерларда ёмғир ва сел сувларини жамғариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш технологияларини кенг жорий этиш орқали мавжуд 938,1 минг гектар лалми майдон ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин. Натижада бу майдонларда ўртача 5-6 центнердан олинаётган ҳосилни 3-4 баробар кўпайтириш ва қўшимча равишда 1,5-2 миллион тонна маҳсулот етиштириш имкони пайдо бўлади.

Шубҳасиз, ёмғир ва сел сувларидан самарали фойдаланишга асосланган инновацион технологияларни амалиётга кенг жорий этиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда лалмикор ерлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Б. МАМАРАҲИМОВ,
Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, к.х.ф.д., профессор.

ЁШЛАР УЧУН ТАЖРИБА ВА ИМКОНияТЛАР МАЙДОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Ёшлар инновацион иссиқхоналар, қўчатчилик майдонлари ва тажриба участкалари билан танишиб, юқори ҳосилдорликка эришишда инновационларнинг аҳамиятини яқиндан кўрдилар. Мутахассислар томонидан рақамли технологиялардан фойдаланиш, иқлим ўзгаришларига мослашган кишлоқ хўжалиги усуллари ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича ҳам қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.



– Мен икки йилдан буён Шуманай туманида хонадонимиз ёнидаги 6 сотих ер майдонда боғдорчилик билан шуғулланиб келаман. Семинар давомида боғни янада ривожлантириш, маҳсулотлар сифати ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича кўплаб янги маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, тупроқ таҳлили асосида ўғитлаш, томчилатиб сўғориш технологиялари ва мева дарахтларини тўғри парваришлаш бўйича берилган тавсиялар мен учун жуда фойдали бўлди. Олган билимларимни амалиётга татбиқ этиб, боғдорчилик фаолиятимни янада кенгайтиришни мақсад қилганман, – дейди тадбир иштирокчиси, талаба Феруза Сербаева.

Таъкидлаш жоизки, “Ёш фермерлар мактаби” лойиҳаси кишлоқ хўжалиги соҳасида билимни, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган ёшлар қатлами-ни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бундай амалий семинарлар орқали ёшлар нафақат соҳага оид билимларини бойитмоқда, балки келажакда ўз фермерлик фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўиши имкониятига эга бўлмоқда. Шу жиҳатдан мазкур тадбир ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



САНОАТ ЗОНАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саноат зоналари иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида улар зарур инфратузилма, яъни, ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ, ички автомобиль йўли билан таъминланиши зарур.

Вилоят саноат зоналарини бошқариш дирекцияси томонидан тадбиркорлик муҳитини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик соҳасида юзага келатган муаммо ва тақлифлари жойларга чиққан ҳолда ўрганилиб келинмоқда.

Бутунги кунда мазкур ҳудудларда умумий қиймати 257,4 млрд. сўмлик 156 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 722 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилиб, сифитли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Жумладан, Нурота туманида “Кичик саноат зонаси” ташкил этилган. Унинг ҳудудида жойлашган “НУРАТА ШЕБЕН” МЧЖ томонидан 1,5 млрд. сўмлик инвестиция киритиш шарти билан 4 та лойиҳа, жумладан “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш” лойиҳасини ташкил этиш режалаштирилган.

– Корхонага ўз маблағларимиз ҳисобидан лойиҳа-смета, инфратузилмага уланиш, логистика, ободонлаштириш, қурилиш-монтаж ва асбоб ускуналар ўрнатиш ишларига 1,5 млрд. сўмлик инвестиция киритдик, – дейди корхона раҳбари Жамшид Эргашов. – Айни пайтда корхонада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 4 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда саноат зоналарини янада кенгайтириш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш ишлари тобора жадал тус олмақда.

Р. САЙФУЛЛОЕВ,
Навоий вилояти саноат зоналарини бошқариш дирекцияси мутахассиси.

➤ Эълонлар

“LOMBARD VENERA-KREDIT” МСНЈнинг баланс ҳисоботи 2025 йил “31” декабр ҳолатига

КОД	КЎРСАТИҚЛАР	нинг сўмда
	АКТИВЛАР	
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	120 465
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	1239 766
30	Олишнинг лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	162 675
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истисмо), брутто	4 081 768
52	Кредитлар, соф (50 код. – 51 код.)	4 081 768
80	Асосий воситалар, соф	935
110	Бошқа активлар	319 370
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	59 224 978
	МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
	МАЖБУРИЯТЛАР	
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган соғилар	105 995
270	Бошқа мажбуриятлар	59 893
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	165 888
	КАПИТАЛ	
310	Устав капитал	1237 000
330	Заҳира капитал	190 970
331	а. Умумий заҳира фонди	185 550
332	б. Бошқа заҳира ва фондлар	5 420
340	Тақсимланган фойда	2 462 690
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	1868 430
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	5 759 090
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	5 924 978
	МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2025 ЙИЛ “31” ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА	
КОД	КЎРСАТИҚЛАР	нинг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
120	Ҳисомий шахсларга берилган кредитлар (микродарзалар) бўйича фоизли даромадлар	2 606 188
180	Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	2 606 188
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИНЗИНГ БЎЙИЧА ҚЎЙИЛИШИ МЎМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАВГАНЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	2 606 188
330	Кредит ва линзинг бўйича қўйиши мўмкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	2 606 188
	4. ФОИЗСIZ ДАРОМАДЛАР	
460	Бошқа фоизсиз даромадлар	851821
470	Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	851821
	5. ФОИЗСIZ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	38 551
540	Бошқа фоизсиз харажатлар	4 046
550	Жами фоизсиз харажатлар (510+520+530+540)	42 596
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАНА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	3 415 413
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	717 269
720	Йқара ва таъминот харажатлари	225 008
740	Маъмурий харажатлар	71 039
750	Репрезентация ва хайрия	14 954
760	Эскириш харажатлари	2 972
770	Сўғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	29 872
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	1061 114
900	9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАНА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	2 354 299
	10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	Фойда солигини баҳолаш	355 869
1100	11. ТУЗАТИШЛАРГАНА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	1998 430
1110	Фойдага чек бўлган тузатишлар, соф *	-130 000
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	1868 430

Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги реестрига киритилган “ТІТ-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Ҳалқаро аудит стандартлари (ХАС) талабларига мувофиқ тасдиқланган.

Ломбарднинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳисоботининг ишончилигини тўғрисидаги маълумотлар мустақил аудиторлик ташкилотининг ҳисоботида келтирилган.

“...Молиявий ҳисобот 2025 йил 31 декабрь ҳолатига Ломбарднинг молиявий ҳолатини барча муҳим жиҳатлари бўйича Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) талабларига мувофиқ ишончилик аниқтиради”.

➤ Қўтлов



➤ Эълонлар

00-21/10734 рақами билан 1996 йил 7 октябрда Қрысина Светлана Николаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	03-02/2613 рақами билан 1993 йил 5 февралда Харьковская Зинаида Николаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	01-02/8032 рақами билан 1993 йил 13 февралда Мусаева Назима Муксимовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2008 йил 23 майда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	01-02/2019 рақами билан 1993 йил 8 январда Красникова Ирина Игорьевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
---	---	--	--

10-01/8816 рақами билан 1993 йил 19 февралда Черезов Анатолий Сергеевич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.



Хандона УСМОНОВА,
Наманган вилояти “Яшил техникум”и услубчиси, касаба уюшма қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси

(Боши 1-саҳифада)

Баҳор фаслида ўқув бинолари атрофига манзарали дарахт ва буталар экилиб, гулзорлар барпо этилди. Жамоамиз “яшил ташаббус” билан чиқиб, касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда эрта



Қутлов



“Яшил техникум”лар – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



сини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор натижаларга эришя-
миз. Корхона, ташкилотларда атроф-муҳит муҳофазаси, жа-
моаларда экологик маданиятни юксалтириш, бу борада касаба уюшмаларининг ўрнини янада кучайтириш, шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини

ҳаётга кенг тadbик этиш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнларида касаба уюшмалари ташкилотлар-
рининг фаол иштирокини таъ- минлаш ҳақидаги вазифаларни бажаришда жамоамизнинг бир-
дам ва ҳамжиҳат экани қувонарли. Хусусан, техникум касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан “Яшил

макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Касаба уюшмаси боғи” ташкил этилди. Яшил ҳудудлар на-
зорати ва парвариши масъулиятли ходим ва раҳбарларга бириктириб қўйилди. Жамоамиз билан бирга-
ликда “Эко туризм” акцияларини ўтказиб бормоқдамиз.

Фақат техникум ҳудудида эмас, балки атрофимиздаги кўча ва маҳаллаларда ҳам кўчат экиш бўйича хайрия тadbирларини таш-
кил этмоқдамиз.

Техникумимизда яратилаёт-
ган ушбу яшил муҳит ёш авлодда табиатни асраш, экологик муам-
маларга бефарқ бўлмаслик ва кела- жак учун масъулият туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади. Ишончимиз комилки, “Яшил тех-
никум” нафақат ҳудудимиз, балки бутун республикамиз учун эколо-
гик таълим ва тарбиянинг илгор намуналаридан бирига айланади.

Эълонлар

“LOMBARD ASAT-KREDIT” MCHJнинг
баланс ҳисоботи 2025 йил “31” декабр ҳолатига

КОД	КЎРСАТИКИЧЛАР	нинг сўмда
	АКТИВЛАР	
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	177 953
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	782 537
30	Олииниш лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	240 971
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истьёмол), брутто	7 257 257
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	7 257 257
80	Асосий воситалар, соф	969
110	Бошқа активлар	266 059
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	8 725 747
	МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
	МАЖБУРИЯТЛАР	
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	167 537
270	Бошқа мажбуриятлар	49 180
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	216 717
	КАПИТАЛ	
310	Устав капитал	1 280 000
330	Захира капитал	177 555
331	а. Умумий захира фонди	173 250
332	б. Бошқа захира ва фондлар	4 305
340	Тақсимланмаган фойда	3 237 457
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	3 814 018
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	8 509 030
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	8 725 747
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2025 ЙИЛ “31” ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА		
КОД	КЎРСАТИКИЧЛАР	нинг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фойзли даромадлар	4 577 230
180	Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	4 577 230
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	4 577 230
320	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	4 577 230
	4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
460	Бошқа фойзсиз даромадлар	1 212 584
470	Жами фойзсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	1 212 584
	5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	138 879
540	Бошқа фойзсиз харажатлар	2 727
550	Жами фойзсиз харажатлар (510+520+530+540)	141 607
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	5 648 207
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	596 064
720	Ижара ва таъминот харажатлари	236 251
740	Маъмурий харажатлар	43 010
750	Репрезентация ва хайрия	9 850
760	Эскириш харажатлари	958
770	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	65 278
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	951 411
900	9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	4 696 796
	10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	Фойда солигини баҳолаш	707 779
1100	11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	3 989 017
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	-175 000
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100-1110)	3 814 017

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда берилган №0838-сонли аудиторлик текширувларини ўтказиш лицензияси асосида фойлият юритувчи “SMART AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Халқаро аудит стандартлари (ХАС) талабларига мувофиқ тасдиқланган.
Ломбарднинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботининг ишончилиги тўғрисидаги маълумотлар мустақил аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасида ўз аксини топган.
...Молиявий ҳисобот 2025 йил 31 декабрь ҳолатига Ломбарднинг молиявий ҳолатини барча муҳим жиҳатлари бўйича Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) талабларига мувофиқ ишончи акс эттиради”.

“LOMBARD AVANGARD-KREDIT” MCHJнинг
баланс ҳисоботи 2025 йил “31” декабр ҳолатига

КОД	КЎРСАТИКИЧЛАР	нинг сўмда
	АКТИВЛАР	
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	83 171
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	1 407 761
30	Олииниш лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	160 611
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истьёмол), брутто	2 889 602
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	2 889 602
80	Асосий воситалар, соф	1 239
110	Бошқа активлар	248 821
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	4 791 205
	МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
	МАЖБУРИЯТЛАР	
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	86 792
270	Бошқа мажбуриятлар	52 873
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	139 665
	КАПИТАЛ	
310	Устав капитал	1 185 000
330	Захира капитал	168 497
331	а. Умумий захира фонди	163 500
332	б. Бошқа захира ва фондлар	4 997
340	Тақсимланмаган фойда	1 868 418
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	1 429 624
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	4 651 540
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	4 791 205
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2025 ЙИЛ “31” ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА		
КОД	КЎРСАТИКИЧЛАР	нинг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фойзли даромадлар	2 339 110
180	Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	2 339 110
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	2 339 110
330	Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	2 339 110
	4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
460	Бошқа фойзсиз даромадлар	606 492
470	Жами фойзсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	606 492
	5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	102 454
540	Бошқа фойзсиз харажатлар	3 287
550	Жами фойзсиз харажатлар (510+520+530+540)	105 741
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	2 839 861
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	621 936
720	Ижара ва таъминот харажатлари	263 089
740	Маъмурий харажатлар	28 123
750	Репрезентация ва хайрия	15 100
760	Эскириш харажатлари	1 966
770	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	32 792
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	963 084
900	9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	1 876 855
	10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	Фойда солигини баҳолаш	284 231
1100	11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	1 592 624
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	-163 000
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100-1110)	1 429 624

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги регистрга киритилган “FT-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Халқаро аудит стандартларига мувофиқ тасдиқланган.
Ломбарднинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботининг ишончилиги тўғрисидаги маълумотлар мустақил аудиторлик ташкилотининг ҳисоботида келтирилган.
Унда қайд этилишича, “Молиявий ҳисобот 2025 йил 31 декабрь ҳолатига Ломбарднинг молиявий ҳолатини барча муҳим жиҳатлари бўйича Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ ишончи акс эттиради”.

04-01/6173 рақами билан 1993 йил 22 январда Овчинников Сергей Валентинович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
08-01/13326 рақами билан 1993 йил 24 январда Черных Людмила Ивановна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

БЕШКЕНТДА ТУФИЛИБ, ҲУЗОРДА ҚАЛАМИ ЧАРХЛАНГАН ЖУРНАЛИСТ

(очерк)

Одатда 27 июнь санасини журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзгача руҳ, шижоат билан кутиб олишади. Боиси, бу санада бундан 130 йил илгари Туркистон жадид зиёлиларининг миллий газетаси “Тараққий” газетасининг илк сони чоп этилганди.

Шу боис ҳам 1995 йил 27 июндан бошлаб Президент фармонига кўра бу сана “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” деб белгиланиб, мамлакат миқёсида касб байрами сифатида кенг байрам қилинади.

Юқоридаги ҳолат сабаб барча оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини хушқайфиятлик билан кутиб олиш баробарида газетанинг, радио эшиттириш ва телекўрсатувларининг махсус саҳифаси, сони учун ким ҳақида, қайси оммавий ахборот воситаси ходими ҳақида материал тайёрлаш ҳақида ўй сурадилар, қаҳрамон излашади. Боиси, байрам сони қаҳрамонлигига барча ижодий ва техник ходимлар, матбуотчилару матбаачилар арзийди. Газетамизнинг навбатдаги сонига тайёргарлик қўриш жараёнида “Ким ҳақида ёзсам экан”, деган савол кундангун бўлиб, бир неча кундан бери тинчлик бермаётганди. Иттифоққа туманимизнинг собиқ ҳокими Шомурод ака Донаев телеграммимга “Нуроний” газетасининг махсус сонини ташлаб, “редактор” (у киши кўпинча менга шундай мурожаат этади) газетанинг 30-31-саҳифасига қаранг”, деб ёзибди. Ичимда яхши бир хабарни ўқиш сезгиси пайдо бўлиб, телеграммимни очиб, “Нуроний” газетасининг айtilган сонининг илк бети ва 30-31-саҳифасини излаб топдим. Кўнглим алдамаган экан. Унда бутун ғузорликларни, қолаверса, ижодий жамоамизни хурсанд қиладиган мўжда бор эди. Газетанинг 1-саҳифасида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси васийлик Кенгашининг қарори эълон қилинибди. Қарорга биноан Республика Бош вазир, васийлик Кенгаши раиси А. Арипов имзоси билан мамлакатимизнинг бир гуруҳ турли соҳа фахрийлари Ватанимизнинг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан мукофотланиб, газетада уларнинг тўлиқ рўйхати эълон қилинибди. Ана шу рўйхатдаги мукофотланганларнинг

номларини ўқий бошладим. Ўқиш жараёнида бир мuddат тўхтаб қолиб, “Маматқулова Замира Турсунова – 1960 йил, журналистика фахрийси, Ҳузор тумани”, деган жумлаларни баланд овоз чиқариб ўқидим. Хонада ўтирган Жўра Авазов, ҳисобчи Адниба Қосимова ҳатто Замира Маматқулованинг ўзи бу хабарга ҳеч қандай акс-садо бермади. Улар мени шунчаки ҳазил тариқасида ичидан қўшиб ўқиётир, деб ўйлашди. Мен қўлимдаги газета нухасини баланд кўтариб, нега ишонмайсизлар, мана, Маматқулованинг расми ҳам бор, деганимдан сўнг хонадагиларнинг барчаси қувончу ҳайрат билан қийқиришиб, қўлимдаги газета нухасини бирин-кетин ўқий бошладилар, З. Маматқуловани қизлар кучоқлаб табриклашди.

Хушхабарнинг қаноти бор дейишади. Бу қувончли хабар тезда туманга тарқалади. Қаҳрамонимизни дўстлари, даврадошлари, шогирдлари, фарзандлари бирин-кетин табриклай бошладилар. Кечга бориб Бешкентдан, Қаршидан қўнғироқлар бўлди. Айниқса, 88 ёшли онажониси Бибина аянинг телефон орқали табригини эшитар экан, З. Маматқулованинг кўзларида қувонч ёшлари балқигани бор гап. Ахир, онанинг қувончи, табриги инсон учун энг улуг мукофот. Ана шундай қувончли дақиқада ҳаяжони босилмай туриб яна қўл телефони жингиллаб қолди. Қараса, катта набираси Заринахон.

– Бувижон, мукофот билан табриклайман, муборак бўлсин, – дея бувижонисини хурсандчилик билан қўтлади у.

– Раҳмат, болажоним, шундай эхтиромли, эъзозли кунлар сенга ҳам насиб этсин, – дея набирасига миннатдорчилик билдирди Замирахон.

Ҳамкасбим, факултетдошим ҳаётидаги ана шу қувончли лаҳзаларни кузатар эканман, байрам муносабати билан тайёрландиган махсус саҳифа учун қаҳрамон топилганидан қувондим.

Юқоридаги ишора қилганимиздек,

Замира Маматқулова 1960 йил Бешкент шаҳрида таваллуд топди. Шу ерда вояга етиб, туман марказидаги 12-умумий ўрта таълим мактабини ўқув даргоҳининг энг аълочи, жамоатчи ўқувчиси, сифатида олтин медал билан тамомлади.

Маматқуловлар оиласи маҳалладаги қолаверса, Бешкентдаги обрўли оилалардан саналарди. Хонадон соҳиби Турсун ака (охирати обод бўлсин) вилоятдаги тажрибали ва таниқли савдо ходимларидан бўлса, уй бекаси Бибина ая оқила аёллиги билан маҳаллада обрў-эътибор қозонганди. Оилада кўпчиликдан ажралиб турадиган бир ибратли одат бор эди. Турсун ака ҳам, Бибина ая ҳам китоб ўқишни хуш кўришарди. Ўз даврининг буюк ёзувчиларини, шоирларини қандай янги китоби чиқса тез орада Маматқуловлар хонадонига пайдо бўлиб, навбатма-навбат ўқиларди. Хонадондаги ана шу маънавий муҳит оиланинг иккинчи фарзанди – Замирада адабиётга, китобга меҳр уйғотди. Онажонисининг ўқиган китоблари ҳақидаги теран фикрларини тинглар экан, бадиий ижодга ҳавас уйғонди. Ўқувчилигидан бошлаб шеърлар, газеталарга кичик-кичик мақолалар ёза бошлади. Ёзганлари туман, вилоят газеталарида чоп этилди. Бу маънавий “гонорар” уни 1978 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети томон етаклади. Ўша йили ижодий ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, олийгоҳ талабаси бўлди.

Тақдирни қарантки, ёш журналистнинг ҳаёт йўли Ҳузор туманига боғланган экан. Шундоққина туман газетаси тахририяти жойлашган маҳаллага, яъни Рустамовлар хонадонига келин бўлиб тушган Замирахон бир умр бир жойда, бир жамоада муқим ишлаб қолди. Ўтган 42 йиллик меҳнат фаолияти у учун ижодий юксалиш йиллари бўлди.

Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Бунга қаҳрамонимиз



ҳаёт йўлини кузатиб яна бир бор амин бўласиз. У узоқ йиллардан бери туман газетаси тахририятида баракали ижод қилаяпти. Ўзининг ранг-баранг материаллари орқасидан Ҳузорда журналист Замира опа Маматқулова деб танилди. Турли мавзудаги долзарб мақолалари, лавҳа, очерк ва эсселари фақатгина туман газетаси саҳифаларида чоп этилибгина қолмай, вилоят, республиканинг турли босма нашрлари саҳифаларидан жой олиб, муштарийлар назарига тушди.

Замира Маматқулова юқорида қайд этганимиздек фақат бир жойда, бир соҳада меҳнат қилди. Уни турли жойларга, турли вазифаларга ишга таклиф этишсада “иссиқ жойини совутишни” хоҳламади. Менинг назаримда у тўғри йўл танлаган. Эҳтимол журналистикани ташлаб бошқа соҳага ўтиб кетганида туманда журналист Замира Маматқулова, бўлиб танилмасди. Ўзининг таъбири билан айтганда, Бешкентда туғилиб, Ҳузорда бунчалик кадр, эътибор топмасди. Ҳузорликлар уни қалами ўткир, ўз сўзига эга журналист сифатида билишади ва қадрлашади. Қолаверса, ана шу фидойи меҳнатлари туфайли давлатимизнинг “Мўътабар аёл” ҳамда II даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари соҳибасига айланди.

Касб байрами арафасида ҳамкасбим, ғузорликларнинг қадрдон ва эъзозли инсонига айланиб улгурган Замира Маматқулованинг ҳаёт ва ижод йўлига қисқача назар ташлар эканман, уни ҳали яна кўп ширали, ўқимишли, дилбар мақолаю, лавҳалар, очерк ва эсселар ёзишига ишондим. Боиси, уни йилантириб юрган гоълар, қоғозга тушиш учун навбат кутиб турган мавзулар анча-мунча. Шу сабаб қаҳрамонимизни касб байрами ва навбатдаги кўкрак нишони билан қўтлар эканмиз, узоқ умр, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Б. ҲАСАНОВ,
“Ҳузор ҳаёти” газетаси бош муҳаррири.

Мутахассис огоҳлантиради

ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЧЎМИЛИШ ЗАРАРЛИ

Серкўёш юртимизда ёз мавсумида аҳоли ўртасида дарё, канал ва сойларда чўмилиш одатий ҳол ҳисобланади. Бироқ санитария қоидалари ва талабларига кўра, бундай сув ҳавзаларида чўмилиш инсон саломатлиги учун ниҳоятда хавфли.

Бу хавф нималардан иборат? Аввало, дарё ва канал сувлари санитария талабларига жавоб бермайди. Бундай сувларда микробиологик кўрсаткичлар метёрдан ошиб кетиши мумкин. Натижада, чўмилишдан кейин инсонларда ичбурғ, дизентерия, гепатит А каби касалликлар тарқалиши хавфи кучайиб кетади. Шунингдек, дарё, қўл ва каналларда паразитологик хавфлар ҳам мавжуд. Жумладан, очиқ сувларда гелминтлар ва амёбалар учрайди. Патоген микроорганизмлар мавжуд сув чўмилиш мутлақо яроқсиз ҳисобланади. Физиологик хавфларига кўра эса канал ва дарёлардаги кучли оқим чўкиш хавфини оширади ва сув ҳарорати кескин ўзгариши юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун дарё, канал ва сойларда чўмилишдан сақланинг! Фақат санитария талабларига жавоб берувчи махсус ташкил этилган пляж ва бассейнларда чўмилиш тавсия этилади. Аҳоли орасида



сув хавфсизлиги маданиятини ошириш, болаларни очиқ сув ҳавзаларида назоратсиз қолдиришдан сақланиш лозим. Бу турли кўнғилсиз ва фожиали ҳолатларнинг олдини олибгина қолмасдан, аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишига ҳам қарши чорадир.

Муроджон АҲМАДАЛИЕВ,
Санитария эпидемиологик-осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Наманган вилояти бошқармаси санитария-гигиена лабораторияси мудир.



Қўтлов

27-IYUN

MATBUOT

VA OMMAVIY AXBOROT
VOSITALARI XODIMLARI

kuni muborak bo'lsin!

SIZNING SO'ZINGIZ-
jamiyatning nigohi,
haqiqatning ovozi!

Qishloq hayoti
MUASSISLAR:
O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat HAMROYEV, NARZULLO OBLOMOIRODOV,
Eshmirza ABDULLIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.
Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-617. 1260 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Mapk YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

4 7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7
Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 20.10